«Соғлом авлод учун»

*Тошкент шаҳридаги педиатрия илмий-текшириш институтида «Болаларни она сути билан боқишни ўргатиш маркази» ташаббуси билан «Соғлом авлод пойдевори-эмизишни қўллаб-қувватлаш ва уни ҳимоя қилиш муаммолари»га бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш ходимлари, республика «Маънавият ва Маърифат маркази» вакиллари иштирок этишди. Анжуманда она сутининг бебаҳо озуқалиги, унинг ўрнини ҳеч қандай озуқа боса олмаслиги, болаларни бошқа ҳар хил сунъий овқатлар билан боқмасликни, чақалоқларни кўкрак сути бериб боқишда тарғибот-ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйиш борасида маърузалар тингланди, фикрлар алмашилди ва тадбирлар белгиланди.*

*Мухбиримиз «Болаларни она сути билан боқишни ўргатиш маркази» мудири, олий тоифали шифокор Феруза Раҳматуллаева билан суҳбатлашди.*

# ОНА СУТИ — МЕҲР БУЛОҒИ

**— Феруза Ҳамидуллаевна! Марказнинг вазифалари нималардан иборат?**

— Марказимизнинг бош вазифаси она сути билан гўдак боқишни оналарга ўргатишдан иборат. Марказ 1995 йил 26 сентябрда ташкил этилган. Ўтган қисқа вақт ичида кўпгина ишларни бажардик. Бу ишлар, асосан, Тошкент шаҳрига тўғри келяпти. Биз оналар билан мулоқотда бўлиб, гўдакни кўкрак сути билан боқиш фойдалилигини тушунтириб бораяпмиз. «Паҳлавон», «Бойчечак» ва бошқа сунъий озуқалар бола ривожини салбий томонга ўзгартиришини мисоллар асосида тушунтираяпмиз.

**— Кечирасиз опа! Сунъий озуқалар зарари бор экан, унда нега истеъмолга чиқарилмоқда?**

— Э, ука, кўпчилик шуни нимага ишлатиш кераклигини билмайди-да. Ахир бу сунъий озуқалар сигир сутидан тайёрланади, ўз-ўзидан маълум бўладики, бу ўзининг бузоғи учун мўлжалланган. Буни билмаган оналар «боламиз чиройли, семиз бўлиб ривожланади! деб ўйлашади. Сунъий сутларда темир моддаси она сутидан кўп бўлганлиги туфайли чақалоқ организмига тўғри келмас экан. Она сутининг ҳаммаси болага фойдали экан. Сунъий озуқалар билан катта бўлган болаларда анемия-камқонлик касаллиги кўпроқ учрайди. Сигир сутида казеин моддаси кўп бўлганлиги учун уни истеъмол қилган болалар аллергияга монанд бўлади. Болага бу касалликларга қарши омиллар айнан она сутидан ўтади. Кўпчилик оналар совуқ сувга қуруқ сутни қўшиб, шиша оғзига сўргич кийгизиб боласига беради. Ана ўша ҳолатда бола касалликка қарши хусусиятини батамом йўқотади. Натижада ич ўтиш ва бошқа касалликларга учрайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, диаррия-ич ўтиш касаллигидан йилига 3 миллион бола нобуд бўлаяпти. Сўргич ёрдамида болага ҳеч қачон озуқа бермаслик керак, чунки бунда бола кам ҳаракат қилади ва у сутни қайтариб ташлайди. Она сутини эмаётган чақалоқ кўпроқ ҳаракат қилади ва соғлом ривожланади.

**— Нима учун баъзи оналар ўз боласини эмизишдан бош тортишади ёки кам эмизишади?**

— Тўғри айтасиз. Яқинда Америкада бўлдик. У ерда бизга болаларни сунъий сут билан боқасизлар деб қолишди. Шунда мен ота-боболаримиз, оналаримиз қадимдан она сутининг бебаҳо эканлигини айтиб ўтишганлигини, қолаверса, IX асрда Ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари»да кўкрак сути фойдаси ҳақида батафсил ёзганлигини айтдим. Гапимни эшитганлар лол бўлиб қолишди. Дарҳақиқат, илгаридан оналаримиз болаларини ўз сутлари билан боқишган-ку! Алла айтиб катта қилиш наҳотки тарих бўлиб қолса! Йўқ, оналар юқоридаги гаплардан тўғри хулосалар чиқаришар. Энди боласини эмизишдан бош тортувчи (тўғрироғи — ор қилувчи) баъзи оналар ўзларининг қоматига путур етмасин деб сунъий сутдан фойдаланишади. Боласининг меҳрсиз, носоғлом бўлиб ўсишини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Она сутини эммаган, алла эшитмаган боладан келажакда меҳрибончилик қўраман деган она янглишади. Шу ўринда битта гап. Аёл фарзандли бўлгач туғруқхонага эрининг келмаслик ҳоллари жуда ёмон таъсир кўрсатади. Шифокорлар орасида (айниқса, доялар) отасидан суюнчи оламиз деб чақалоқни онасига 3-4 кунлаб бермаслик ҳолатлари ҳам учраб туради. Биринчи фарзанд кўрган ёш онанинг олдига турмуш ўртоғини киритиш керак. Эри ҳам қанчалик азоб билан бола дунёга келишини ҳис қилса, хотини ва боласига шунчалик меҳрибон бўлади.

**— Феруза Ҳамидуллаевна, кечирасиз-у, дастлаб марказингизни эшитиб, шинам марказ бўлса керак деб ўйлагандим. Аксинча бўлиб чиқди. Тор хона, телефонсиз, қисқаси шароитларсиз қандай ишлаяпсизлар?**

— Нима ҳам дердик. Шунисига ҳам шукур деб ишлаяпмиз. Халқимизда «Сабр таги-олтин», деган нақлни айтиб, ўзимизни овутиб юрибмиз. Марказимизда 6 та, вилоятларда 15 та шифокор фаолият кўрсатмоқда. Тўғри, муаммолар бор. Марказ ва унинг бўлимлари туғруқхоналарда жойлашса, мақсадли бўларди. Чунки камдан-кам оналар биздан маслаҳат сўрайди. Кўргазмали қурол, китобларни жойларга олиб боришда қийинчилик туғилаяпти. Халқаро «ЮНИСЕФ» ташкилоти илмий қўлланмалар, китоб ва асбоб-ускуналар билан ёрдам бермоқчи бўлиб турибди. Биз хайрли ишда ишлашни хоҳлаганларни ҳамкорликка чорлаймиз.

**— Оналарга, айниқса, ёш оналарга қандай маслаҳат берасиз?**

— Аввало барчаси фарзандларининг бахтига соғ бўлишсин. Фарзандларига сунъий озуқа беришмасин. Кўкрак сути бериб, алла айтиб катта қилсинлар. Шоира Турсуной Содиқова айтганларидек, ёш қизчаларга ёшлигидан алла айтиш ва бола боқиш сирларини ўргатишимиз керак. Шундагина уларнинг фарзандлари халқига садоқатли, ватанпарвар ва комил фарзанд бўлиб вояга етишларига ишончим комил.

— Суҳбат учун сизга раҳмат. «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳокимликлар ва барча жамоат ташкилотлари эзгу ишларингизга ўз ёрдамларини беришади, деб умид қилиб қоламиз.

**Суҳбатдош Қобулжон ШОКИРОВ.**

Маданият хабарлари

## ЯНГИ САҲНА ТОМОШАЛАРИ

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят ўзбек Давлат мусиқали драма театри ижодий жамоаси улуғ бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб драматург Қилич Абдунабиев қаламига мансуб «Амир Темур ва Йилдирим Боязид» деб номланган икки пардали драмани театр шинавандалари ҳукмига ҳавола этдилар. Спектаклни иқтидорли режиссёр Мансур Равшанов саҳнага олиб чиққан бўлса, асар руҳиятига мос саҳна безакларини Бахтиёр Тўраев ишлаган. Асардаги асосий ролларни Ҳамид Орипов, Раҳимжон Маматалиев, Гулнора Равшанова, Чоршанби Чориев, Йўлдош Мирқурбонов, Ботир Рамозонов ва бошқалар мақомга етказиб ижро этмоқдалар.

**С. СИРОЖИДДИНОВ.**

## АМИР ТЕМУР ЕТТИ ИҚЛИМ ҲУКМДОРИ

Учқўрғон туман марказий маданият уйи ижодий жамоаси Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб «Амир Темур етти иқлим ҳукмдори» деб номланган театрлаштирилган томошани намойиш эта бошладилар. Амир Темурнинг Моваруннаҳр салтанатини барпо этиш, уни мўғуллар истилосидан халос этиш воқеалари акс эттирилган томошани иқтидорли режиссёр Ҳусанбой Қаҳҳоров саҳнага олиб чиққан. Сценарий муаллифи Абдужалил Аҳмедов янги маълумотлар асосида улуғ бобокалонимиз салоҳияти ҳаяжонларга бой саҳналарда намоён эттан. Ҳаваскор артистлардан Музтор Тиллабоев, Фотима Мирабдуллаева, Олимжон Шарипов, Насабжон Ҳакимовлар яратган образлар томошани янада кўтаринки руҳда чиқишига, Баҳодир Отабоев раҳбарлигидаги «Гулбаҳор» ашула ва рақс ансамбли талқинидаги классик ашулалар воқеалар замиридаги фалсафани очиб беришда муҳим омил бўлган.

**Р. СИРОЖИДДИНОВА.**

## ҲАМКОРЛИК

Сирдарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан вилоятда «Маънавият кунлари» доирасида ранг-баранг тадбирлар ўтказилмоқда. Айни кунларда 4 гуруҳдан иборат ижодкор ёшлар, санъаткорлар, маданият ходимлари ҳамда сиёсатшунослар маънавият ва маърифат йўналишидаги кенг қамровли тадбирлар билан пахтакорларга хизмат кўрсатмоқдалар.

Бўлиб ўтаётган жонли учрашувлар, мазмунли кечалар ҳамда нафис суҳбатлар ҳашарчиларда айниқса талабаларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари, шоира Баҳор Холбекова, вилоят маданият ишлари бошқармаси қошидаги «Гулистон» гуруҳининг бадиий раҳбари Қодир Яҳёев, вилоят мусиқали драма театри раҳбари Равшан Ражабов ҳамда Гулистон давлат санъат билим юрти директори Йўлдош Норбўтаевлар раҳбарлик қилаётган маънавият гуруҳларида уюштирилаётган ҳар бир тадбирлар шакл ва мазмун жиҳатдан ранг-баранг тарзда ўтказилмоқда.

**И. НУРИНОВ.**

Қадрият

## САОДАТЛИ СИЙМОЛАР СИЙРАТИ

Курраи заминнинг қайси пучмоғида Ўзбекистон байроғи ҳилпираса, кўзимизга оловдек иссиқ кўринади. Дарҳақиқат, дунёда энг чиройли туғ — бу Ўзбекистон байроғи. Ундаги ўн икки юлдуз гўё гўзал заминимиздаги ўн икки вилоятни акс эттириб турганидек. Ана шу юлдузлар ичра ўзининг ёрқин шуъласига эга бўлган уфқи кенг ҳудудлардан бири Қашқадарёдир. Бу мафтункор воҳа замини ва одамлари ҳақида Абдулла Ориповнинг пурмаъно шеърларидан, Нормурод Нарзуллаевнинг қанот қоққан қўшиқларидан кўп ва кўп хабардормиз. Вилоятнинг номини элга танитишда кўксига қаҳрамонлик нишонини таққан азамат фарзандларининг ҳиссаси катта. Иқтидорли журналист Юсуф Бердиев ана шу қаҳрамонларнинг ҳаммасини «қовуштириб», «Қашқадарё қаҳрамонлари» номи остида китоб ҳолида чоп этганлиги кўп ажойиб иш бўлибди. «Чўлпон» нашриётида тайёрланган бу мажмуа фидойи меҳнат билан эл аро довруғ қозонган марду майдонлар сиймосини акс эттирган ажойиб гулдастадир.

Одатда бир мавзуда (яъни, қаҳрамонларнинг ҳаёт йўлини ҳикоя қилиш) қалам тербратган журналистга осон бўлмайди: гўё бир қаҳрамон ҳаёти иккинчисига ўхшаб қолиши мумкин. Лекин Юсуф Бердиев қирқ уч нафар инсоннинг портретини яратишга аҳд қилган экан, турли тақдирларнинг ўзига хос жиҳатларини, айрича фазилатларини илғай билган. У қаламга олган инсон пахтачилик бригадири ёки чўпон бўладими, хўжалик раҳбари ёхуд кончими - ҳар бири эл назарига тушиш сари ўз сўқмоғини очганлиги ишонарли тарзда акс этган.

Қаҳрамонномани Қашқадарёнинг ёрқин юлдузларидан бири Чўли ота Бегимқулов бошлаб берган бўлса, мустақил мамлакатимизнинг илк қаҳрамонларидан бири Бўрон Рўзиев якунлаган. Яна бир эътиборли жиҳати: муаллиф аввал марҳум Қаҳрамонлар ҳақида ҳикоя қилиб, сўнг бугунги замондошларимиз хусусида сўз юритади. Бу билан марҳумлар руҳига ҳурматини бажо этади. Китобни варақлар экансиз, кўксига юлдуз таққан инсонлар бундай шарафга осонликча эришмаганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Айтайлик, Чўли отанинг ўз ҳаёти давомида Йўлдош Охунбобоев, Обид Содиқов каби дарғалар билан мулоқотлари китобхонни қизиқтиради. Шаҳрисабзнинг Дукчи қишлоғидан чиққан қаҳрамон Жўра Элбоевнинг халқ ҳаётига сингиб кетганлиги ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳалар ўқувчини беихтиёр ўзига тортади. Ҳамиша кўпнинг дардига эш бўлган бу инсон хўжалик фаолларидан бирига шундай топшириқ беради: бу йил кимлар тўй (суннат, ўғил уйлантириш, қиз чиқариш) қилмоқчи эканлигини аниқланг. Раис уларни чақириб, тўй қилмоқчи бўлгани билан табриклайди. Суҳбат давомида хўжалик ҳисобидан имкон даражасида ёрдам бериш ҳақида маълум қилади. Қани айтинг, шундан кейин ўша одам янада ғайрат билан ишламайдими? Бугунги раҳбарлар ҳам Жўра Элбоевнинг бу тажрибасини тадбиқ этсалар чакки бўлмасди.

Муаллиф Қашқадарёда улкан ишлар ташкилотчиси Рўзмат Ғойибов ҳақида ҳикоя қилгани Қарши чўлининг қоқ ўртасига йўл олади. Усмон Юсупов туманидаги Ғойибов номи билан аталган хўжаликда марҳум ҳаётига хаёлан нигоҳ ташлайди. Қўриқ бағридаги улуғвор иншоотлар, каналларда оқиб турган сувлар, бўстонга туташ пахтазорлар гўё Рўзмат ота меҳнатига ҳайкалдек намоён бўлади.

Китоблик Каромат Рустамованинг муаллиф билан суҳбати ниҳоятда ҳаётий чиққан. У баъзи журналистлар нуқул бир кишини ёзаверади, мақтайверади, ахир битта одам ўзининг танҳо меҳнати билан ҳеч қачон қаҳрамон бўлган эмас, бўлмайди ҳам дейди.

Шу тариқа Каромат Рустамованинг фидойилиги очиб берилади.

Китобда бундай лавҳалар кўп. Юсуф Бердиев ўз қаҳрамонларини турли ҳолатларда тасвирлашга интилади. Чунончи, Назар Мейлиқулов Тошкентга келганда қисқа вақтда бир дунё ишни бажаришга улгургани ёзилса, тағин бир лавҳада Зиннат Тошева Туркманистонда ҳам юлдузли шогирдлар етиштиргани тасвирланади. Ўзбекистон Қаҳрамони Бўрон Рўзиевни «Китоб-Тошкент» поездида деярли бутун эшелон юксак мукофот билан қутлагани ҳақидаги манзара жуда таъсирли чиққан.

Улкан баҳри уммонлар мавжида сузиб юрган дарғалар тилида «Айсбергнинг учи» деган ибора бор. Бу иборада сув устида кўзга ташланган муз қирралари сервиқор қояларнинг чўққилари эканлиги назарда тутилади. Агар таъбир жоиз бўлса, «Қашқадарё қаҳрамонлари» китобидаги муътабар сиймолар бағри кенг бу заминнинг минг-минглаб фидойилари учун айсбергнинг чўққисидай гап. Ҳали улар орасидан яна кўплаб юлдузли қаҳрамонлар чиқишига шубҳа йўқ! Ўшанда бу китобнинг давомини ёзишга эҳтиёж туғилса ажаб эмас.

**Шухрат ЖАББОРОВ.**



*Бўка шаҳри марказидаги хўжалик ҳисобидаги тиш қўйиш поликлиникаси ҳар доим одамлар билан гавжум. Ўз касбининг усталари бўлган тиш қўйиш врачлари улар хизматида.*

**Суратда: тиш техниги Зокир Йўлдошев ва врач Мақсуда Хожиматовалар иш устида.**

**Жўра ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## «ОТАЖОН» ХИЗМАТДА

Бўка туманининг эски бозори майдонида қурилиш корхонаси ўз фаолиятини бошлади. «Отажон» номли бу корхонадан харидорлар тахта, шифер, ойна, цемент ва бошқа қурилиш материалларини харид қилмоқдалар.

Корхона жамоаси қурилиш материалларини сотиш билан бирга эшик, дераза ромларини мижозларнинг уйларига ўрнатиб бераётир. Бунда Хидирали Холматов, Зиёдулла Жўраев, Дониёр Дўсматов сингари ишчилар ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар.

**Х. АВВАЛОВ.**

## ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Пахтага муҳаббат халқимизнинг қонида бор. Ота-боболаримиз қадиму-қадимдан деҳқончиликнинг бошқа турлари қатори пахта етиштириш билан шуғулланиб келишган. шу боисданки, йиғим-терим мавсумида ёшу қари бир кишидек оёққа қалқийди, уни ёғин-сочинга қолдирмасдан тезроқ йиғиштириб олишга шошилади. Бошқа касб-ҳунар эгалари эса далада ишлаётганлар оғирини енгиллатишга интиладилар.

Очиғи ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, биз савдо ходимлари ҳам пахта терими мавсумини ўзгача интиқлик, ўзгача кайфият ва катта масъулият билан кутамиз. Зероки, ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов ўзларининг маърузаларида ўзбек пахтасига ҳорижда қизиқиш ортиб бораётганлигини, унинг толасини сотиш ёки айирбошлаш ҳисобига мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, фуқароларимиз турмуш даражасини кўтариш учун моллар олишимиз мумкинлигини қайта-қайта уқтириб келмоқдалар. Шу боисдан ҳам истиқлолимизнинг бешинчи йилида уйилажак Наманганимизнинг 280 минг, Косонсой туманимизнинг 18 минг тонналик улкан хирмонлари учун шижоат кўрсатаётган марду майдонларга ҳар тарафлама кўмаклашиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш чорасини кўриб бормоқдамиз. Туманда 180 минг аҳоли истиқомат қилади. Шундан 90 минг кишига ёки бошқачасига айтганда, пахта етиштирадиган 10 та хўжаликка хизмат курсатамиз. Табиийки, йиғим-терим мавсуми йилнинг қолган ойларига нисбатан кўпроқ ҳушёрликни, сезгирликни ҳамда аҳоли талаб ва эҳтиёжи асосида иш юритишни талаб этади.

Биз мавсумга ҳозирлик кўрар эканмиз, даставвал шу ойлар учун кўпроқ асқотадиган саноат, озиқ-овқат моллари ва хўжалик буюмларини ғамлаб олиш чорасини кўрдик. Масалан, ҳар куни савдо шахобчаларига, тарқатилаётганидан ташқари 5 тонна шакар, 6,2 тонна макарон, 5 тонна гуруч шунча миқдорда чой, 4,2 тонна ўсимлик ёғи, етарлича ун, шунингдек, калиш, резина ва керзовой этикдан тортиб шу сингари 17 турдаги кийим-кечак ҳамда уй-рўзғор молларини ғамлаб олдик. «Уста Шариф» пойафзал тикувчи кичик корхонаси билан шартнома тузганмиз. Мазкур хусусий саноат тармоғи буюртмамизга биноан турли этиклар тайёрлаб бермоқда.

Савдо шахобчаларимиз мавсум талабларига қараб олиб борилмоқда. Биз далада савдо-сотиқни яхши йўлга қўйишга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Шунингдек 40 тага яқин сотувчисиз дўконлар очганмиз. Уларни вазелин, гугурт, совун каби энг зарур моллар билан таъмин этганмиз. Қишлоқ марказларидаги дўконларнинг мудирлари эса сотувчисиз дўконлар фаолияти, зарур товарлар билан тўлдириб туриш учун жавобгардирлар. Мавжуд 4 та кўчма автодўкон ҳам хизматда. Автодўкончиларимиздан Абдумажид Ҳамроқулов, Олимжон Пўлатовлар хизмати ибратлидир.

Қишлоқлардаги савдо тармоқлари ходимлари ҳам пахтакорлар оғирини енгиллатишга уринмоқдалар. Гўрмирон қишлоқ универмаги мудири Аҳмадхон Қалонов, 1-озиқ-овқат дўкони мудири Муйдинжон Мустафоев, Кўкимбой қишлоғидаги дўкон мудири Муҳибилло Мирзаевлар шулар жумласига киради. Улар харидор талаб ва эҳтиёжини ўрганган ҳолда иш олиб бормоқдалар. Ҳаракатда баракат, деганларидек, булар ўз ўрнида савдо режаси бажарилишига имкон яратмоқда. Шу билан бирга савдо ходимларимиз ишдан бўш вақтларида, пахта теришмоқда. Тезкор масалаларни ҳал қилиш учун эса шанба ва якшанба кунларида ташкилотимиз бошқаруви аъзоларидан навбатчилар қўйганмиз. Токи, далада ишлаётганлар ҳеч нарсадан зориқиш билмасин.

**Холдоржон ДАДАХОНОВ, Косонсой туманидаги улгуржи савдо ҳиссадорлик жамияти раиси.**

## ДОКТОР МЕҲНАТИ ҲАМ АЗИЗ

Халқ мақоли борки, саломатлик туман бойлик. Бу бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам шундай. Агар инсоннинг саломатлиги бўлмаса унинг кўзига дунё қоронғи кўриниб бойлик ҳам татимайди. Агар танингиз соғ бўлса уйда ҳам ишда ҳам яхши кайфият билан юрасиз. Касалликнинг энг инжиғи тиш оғриғидир.

Бу хасталикнинг шифокорларидан бири ўз касбини севиб, халқига хизмат қилаётган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тиш даволаш шифохонасининг ходими, жарроҳ-стомотолог Жовдат Турсуновдир. Бу моҳир шифокор хушмуомалалиги, касбига садоқати билан барчага маълумдир. У ҳақда мижозлар илиқ бир меҳр билан сўзлайдилар.

Ж. Турсуновнинг олиб ташланиши лозим бўлган оғриқ тишингизни суғуриб ташлагинини ҳатто билмай қоласиз. Уни ҳамма қўли енгил шифокор деб тилга олади.

Жавдатжон ҳамкасблари орасида ҳам обрў-эътиборга, ҳурмат-иззатга сазовор шифокорлардан.

**Музаффар ИБРАГИМОВ, бош ҳуқуқ назоратчиси.**


## ДИҚҚАТ, КИМОШДИ САВДОСИ!

**РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҚЎМИТАСИ ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ СИЗ, БАРЧА ТАДБИРКОР ВА ЙИРИК САРМОЯДОРЛАРНИ**

**25 октябрь 1996 йил соат 10-00 да РЕСПУБЛИКА БИРЖАЛАР МАРКАЗИ БИНОСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН КИМОШДИ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

1. «Варахша» туристик мажмуаси. Бухоро шаҳри.
Бошланғич баҳоси — 10 млн. 644 минг сўм.
2. «Наманган» паррандачилик фабрикаси. Наманган вилояти.
Бошланғич баҳоси — 82 млн. сўм.
3. Нукус шаҳридаги «Бестюбе» паррандачилик фабрикаси.
Бошланғич баҳоси — 42,5 млн. сўм.
4. Қўнғирот туманидаги «Қўнғирот» паррандачилик фабрикаси. Қорақалпоғистон Республикаси.
Бошланғич баҳоси — 5,5 млн. сўм.
5. Бухоро туманидаги «Ватан» паррандачилик фабрикаси. Бухоро вилоятида.
Бошланғич баҳоси — 14 млн. сўм.
6. «Қамаши» паррандачилик фабрикаси. Қашқадарё вилояти.
Бошланғич нархи — 48,5 млн. сўм.
7. «Пахтаобод» паррандачилик фабрикаси. Андижон вилояти.
Бошланғич нархи — 23,52 млн. сўм.
8. Балиқчи туманидаги «Чинобод» паррандачилик фабрикаси. Андижон вилояти.
Бошланғич нархи — 29 млн. сўм.
9. «Жарқўрғон» паррандачилик фабрикаси, Сурхондарё вилояти.
Бошланғич баҳоси — 12,5 млн. сўм.

**Савдога Республикамизнинг турли вилоятларида жойлашган автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчалари:**

10. 73-сонли АЁҚШ, Қорақалпоғистон Республикаси, Турткўл шаҳри. Ер майдони узоқ муддатга ижарага берилади.
Бошланғич баҳоси — 700 минг сўм.
11. 13-сонли АЁҚШ, Андижон вилояти, Хонобод шаҳри. Ер майдони узоқ муддатга ижарага берилади.
Бошланғич баҳоси — 930 минг сўм.
12. 36-сонли АЁҚШ, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани. Ер майдони узоқ муддатга ижарага берилади.
Бошланғич баҳоси — 260 минг сўм.
13. 38-сонли АЁҚШ, Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани. Ер майдони билан сотилади, сатҳи 780 кв. м.
Бошланғич баҳоси — 2 млн. 170 минг сўм.

Қурилиш ишлари тугалланмаган ишлаб чиқариш корхоналари:

14. Ип йиғирув фабрикаси, Сирдарё вилоятининг «Боёвут» жамоа хўжалиги. Ер майдони — 4,15 га. Қурилиши 15 фоиз бажарилган.
Бошланғич нархи — 12 млн. 500 минг сўм.
15. Ипак йиғирув фабрикаси, Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, «Октябрь» жамоа хўжалиги. Ер майдони — 7,92 га. Қурилиши 12 фоиз бажарилган.
Бошланғич нархи — 8 млн. 300 минг сўм.
16. Каноп йиғирув фабрикаси, Тошкент вилояти, Келес шаҳри. Ер майдони — 23 га. Қурилиши 15 фоиз бажарилган.
Бошланғич нархи — 20 млн. сўм.
17. Тўқимачилик ишлаб чиқариш комплекси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри. Ер майдони — 3,6 га. Қурилиши 25 фоиз бажарилган.
Бошланғич нархи — 5 млн. 500 минг сўм.
18. Қамаши шина таъмирлаш заводи, Ўзкимёсаноат уюшмасига қарашли. Умумий майдони — 16776 кв. м. Қашқадарё вилояти, Қамаши шаҳри.
Бошланғич нархи — 5 млн. 670 минг 200 сўм.
19. «Ўзинтерсавдо»га қарашли ишлаб чиқариш комбинати, Тошкент вилояти Йиқ-ота посёлкаси. Ер майдони — 1,2 га. Комбинатда консервалаш цехи, сутни қайта ишлаш ва қуритиш цехлари мавжуд.
Бошланғич нархи — 14 млн. сўм.

**Шунингдек, енгил ва юк ташиш автомобиллари:**

Тошкент шаҳар, Тол-Арик кўчаси, 24. «Хўжалик моллари» акционерлик бирлашмасига қарашли қуйидаги автомобиллар қўйилган:

20. «ВОЛГА» Газ-2411, Заводдан чиққан йили — 1991 йил.
Бошланғич нархи — 350 минг сўм.
21. Зил-431410 (бортли), Заводдан чиққан йили — 1986 йил.
Бошланғич баҳоси — 150 минг сўм.

Кўрсатилган иншоотларга қизиқиши бўлган шахслар ва корхоналар Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин. Кимошди савдосида қатнашиш учун аризалар, гаров пуллари Республика Кўчмас мулк биржасида ва унинг вилоят бўлимларида қабул қилинади. Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят бўлимларид бундан буён ҳам автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчалари, ҳар турдаги қурилиши тугалланмаган иншоотлар, меҳмонхоналарни савдога қўяди. Булар ҳақидаги тўлиқ маълумотларни матбуот ва телевидение орқали бериб борамиз.

**КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!**
**АЖОЙИБ ИМКОНИЯТНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМАНГ!**
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 10-уй, 3-қават, 13-хона.**

**Телефонлар: 36-15-28, 36-15-29, 36-79-62.**

